

ЌУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАРНИ ИСИТИШ,
ШАМОЛЛАТИШ ВА
КОНДИЦИЯЛАШТИРИШ УЧУН ЭНЕРГИЯ
САРФИ МЕЪЁРЛАРИ**

ЌМҚ 2.01.18-2000*

**НОРМАТИВЫ РАСХОДА ЭНЕРГИИ НА
ОТОПЛЕНИЕ, ВЕНТИЛЯЦИЮ И
КОНДИЦИОНИРОВАНИЕ ЗДАНИЙ И
СООРУЖЕНИЙ**

РАСМИЙ НАШР
(ЎЗБЕКЧА-РУСЧА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА
ВА ЌУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

Тошкент 2011

УДК 697:620.9 (083.75)

ҚМҚ 2.01.18-2000*. Бинолар ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва кондициялаштириш учун энергия сарфи меъёрлари / ЎзР Давархитектқурилиш – Тошкент, АҚАТМ, 2011 - 40 бет.

ҚМҚ 2.01.18-2000* тасдиқланган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҚМҚ 2.01.18-2000 нинг қайта нашридир.

ҚМҚ 2.01.18-2000 «Бинолар ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва кондициялаштириш учун энергия сарфи меъёрлари»/ ЎзР Давархитектқурилиш - Тошкент, 2000

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН: ЎзЛИТТИ ХЖ (т.ф.н. Е.А.Насонов - мавзу раҳбари, т.ф.н. А.М.Камилов, муҳандис А.В.Бубнов); Ўзоғирсаноатлойиҳа ХЖ (муҳандислар Ю.Т.Сироткин, Л.П.Ложечкин, В.Н.Богатова), Ўзқишлоқлойиҳа ХЖ (архитектор М.У.Умаров, муҳандислар Ю.А.Гордеев, Г.К.Пашина)

КИРИТИЛГАН: ЎзЛИТТИ ХЖ

КЕЛИШИЛГАН: ЎзР энергетика вазирлиги, ЎзР коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан

МУҲАРРИР: арх.н. Ф.Ф. Бакирхонов (ЎзР Давархитектқурилиш)

ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНГАН: ЎзР Давархитектқурилишнинг лойиҳа инжиниринги ва менежменти бўлими (Н.И.Петров) томонидан

Давлат тилига таржима И.А.Саминов («AL KAISA» МЧЖ) томонидан бажарилган.

Мазкур нашр матнида қурилиш объектларининг энергосамарадорлигини ошириш мақсадида «ToshuyjoyLITI» ОАЖ томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишнинг 2011 йил 12.07 да 46-сонли буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.01.18-2000 га 1 сонли Ўзгариш (ишлаб чиқувчилар: т.ф.н.Е.А.Насонов, Р.Р.Кадиров, А.В.Бубнов) ҳисобга олинган.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишнинг руҳсатисиз тўла ёки қисман кўчирилиши, кўпайтирилиши ва расмий нашр сифатида тарқатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари	ҚМҚ 2.01.18-2000*
--------------------------------------------------	--------------------------------	-------------------

қурилиш қўмитаси (Давархитектқурилишқўм)	Бинолар ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ва кондициялаштириш учун энергия сарфи меъёрлари	ҚМҚ 2.01.18-2000 ўрнига
---------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур меъёрларга турар-жой ва жамоат биноларини, саноат ва қишлоқ хўжалиги бинолари ва иншоотларини, шу жумладан ёрдамчи ва маъмурий-маиший биноларни ҳам лойиҳалашда риоя қилиш керак.

Меъёрлар ноёб ва тажрибага оид объектларни, муваққат ҳамда мобил биноларни, шунингдек маҳсус вазифали бинолар ҳамда иншоотларни лойиҳалашга тааллуқли эмасдир.

1.2. Мазкур боб лойиҳаларда энергия тежовчи илғор техникавий ечимларни қўллашни рағбатлантириш ва энергиядан оқилона фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш ҳисобига энергияни самара билан ишлатишни таъминлаш мақсадида бинолар ва иншоотларни иситиш, шамоллатиш ҳамда кондициялашга кетадиган **энергия** сарфи кўрсаткичларининг номенклатурасини ва меъёрий қийматларини белгилайди.

1.3*. Энергия сарфи кўрсаткичининг, энергия истеъмоли ҳали қониқарли деб, ҳамда кўрсаткичнинг каттароқ қийматларда - қониқарсиз деб ҳисобланадиган, қиймати меъёрий деб аталади.

Иситиш, шамоллатиш ва кондициялаштириш лойиҳаларида бутун бино бўйича олинганда, энергия сарфининг қуйидаги меъёрларига риоя қилиниши керак:

йилнинг совуқ мавсуми учун ҚМҚ 2.01.01-94 ва ҚМҚ 2.04.05-97* га кўра ташқи ҳавонинг ҳисобий параметрларида бинони иситиш ва шамоллатишга кетадиган меъёрий солиштирма иссиқлик сарфига;

йилнинг иссиқ мавсуми учун ҚМҚ 2.01.01-94 ва ҚМҚ 2.04.05-97* га кўра ташқи ҳавонинг ҳисобий параметрларида бинони кондициялашга кетадиган меъёрий солиштирма совуқлик сарфига;

* 2011 йил августда қабул қилинган ўзгаришлар билан қайта нашр қилинган.

ЎЗЛИТТИ хиссадорлик жамияти томонидан қиритилган	ЎзР Давархитектқурилишқўмнинг 2000 й. «17» августдаги 49-сонли буйруғи билан тасдиқланган	Амалга қиритилиш муддати 2000 й. «1» декабрь
--------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------

Расмий нашр

жихозлар энергиявий самарадорлигининг, 4-бобда келтирилган, меъёрий кўрсаткичларига.

1.4*. Бинони иситишга ва шамоллатишга бўлган солиштирма иссиқлик сарфи деб бинога хизмат кўрсатувчи барча иситиш тизимидаги, сўрилувчи вентиляциядаги ҳаво иситиш иссиқлик таъминоти тизимидаги ва хоналарга ўрнатилган рециркуляцион ҳавоиситувчиларнинг ҳисобий иссиқлик оқимлари йиғиндисининг бинонинг умумий майдонига нисбати айтилади.

Иссиқлик, иситиш ва шамоллатишга кетадиган, меъёрий солиштирма сарфини, q_{ov}^{TP} , Вт/м², 2-боб жадвалларига кўра қабул қилмоқ, жадвалларда мавжуд бўлмаган бинолар учун эса - 3-бобда баён қилинган услубда ҳисобламоқ лозим. Лойihalанаётган объектнинг ўзига ҳос хусусиятларини янада тўлароқ эътиборга олиш мақсадида q_{ov}^{TP} , Вт/м², меъёрни, 2-боб жадвалларида уқтирилган, бинолар учун бўлган услубият бўйича ҳисоблаш руҳсат этилади.

q_{ov}^{TP} , Вт/м², меъёр иситиш даврий тарзда ишлатиладиган ҳамда ишчи жойлари маҳаллий иситиладиган, бинолар учун белгиланмайди.

1.5. Бинога хизмат кўрсатаётган барча кондициялов тизимлари ҳаво совутгичлари совуқлик оқимлари йиғиндисининг бинонинг умумий майдонига нисбати бинони кондициялашга кетадиган совуқликнинг со- лиштирма сарфи q_k , Вт/м², деб аталади.

Кондициялашга кетадиган совуқликнинг солиштирма сарфи q_k , Вт/м², лойихани ишлаб чиқувчи томонидан, 3-бобда баён қилинган услуб бўйича ҳисобланиши керак.

Бевосита ёки билвосита буғлантириб совутиш ҳавосини совутиш учун совуқ артезиан ёки дарё сувидан ҳамда совуқликнинг бўлак табиий манбаларида фойдаланишда q_k^{TP} , Вт/м², меъёр тайинланмайди.

1.6. q_{ov}^{TP} , Вт/м², ва q_k^{TP} , Вт/м², катталикларда қуйидагиларга келадиган энергия сарфи ҳисобга олинмайди:

шамоллатгичлар, насослар, филтрлар, иссиқлик утиллаштирувчилар ва бўлак механизмларга;

фалокатга қарши шамоллатув тизими ва тутунга қарши ҳимоя тизимига;

ҳаво-иссиқлик тўсиғига;

заҳиравий тизимлар ва жиҳозларга;

автоматизация ва назоратга;

ҳавони тозалаш ва чиқитларни атмосферага сочишга;

кўчма ҳаво қиздиргичларга ва даврий тарзда ишлатилувчи ҳавосовутгичларга.

1.7. Иситишга, шамоллатишга ва кондициялашга кетадиган энергиядан оқилона фойдаланишни қуйидаги йўллар билан таъминламоқ лозим:

бинонинг тўсувчи конструкциялари сидра иссиқлик йўкотилишини уларнинг термик қаршилигини ҳамда ҳаво сизиб ўтишига қаршилигини ошириш, шунингдек ортикча ёруғлик ўтказувчи тешикларни истисно қилиш ҳисобига қисқартириш;

йилнинг иссиқ даврида қуёшдан муҳофазаловчи қурилмалар ёрдамида иссиқлик тушишини камайтириш;

шамоллатувга оид зарарли чиқитлари энг оз бўлган технологик жиҳозлар ва жараёнларни қўллаш;

зарарликларни ажратувчи жиҳозларни самарали тарзда **ўраб беркитиш, зарарликларни самарали тарзда ушлаб қолувчи** маҳаллий сўрғичларни қўллаш;

оқилона ҳаво алмашинувни ташкил этиш, газ, иссиқлик ҳамда совуқлик бўйича берилаётган ҳавонинг ассимиляцияловчи ҳоссасини орттириш, йилнинг совуқ даври шароитларига кўра атайлаб ҳисобланган шамоллатув тизимларини қўллаш ҳисобига шамоллатув ва кондициялов тизимларидаги ташқи ҳаво сарфини камайтириш;

иситиладиган ҳоналардан ташқарида жойлашган жиҳозлар, қувурўтказгичлар ҳамда ҳавоташигичлардан иссиқлик ва совуқликдаги йўқотишларни камайтириш;

бошқарилувчан унумдорликка эга бўлган, жумладан кўрсаткичлари автоматик бошқарилувчан, иситиш, шамоллатиш ҳамда кондициялаш тизимларини қўллаш;

энергиядан фойдаланиш юқори коэффициентлари билан тавсифланадиган, иситув-шамоллатув ва совитув жиҳозларини қўллаш;

кондициялаш учун совуқликнинг табиий манбаларини қўллаш;

иктисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ иккиламчи ҳамда қайта тикланувчан энергиявий салоҳиятлардан фойдаланиш.

1.8*. Лойиҳаланаётган бинонинг иссиқлик сарфи кўрсаткичлари 1*, 2а* ва 2б* жадвалларда келтирилган меъёрий қийматлардан ошган ҳолатларда 3 бўлимга кўра лойиҳаланаётган бинонинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яккаҳол меъёрлар билан ҳисоблаш лозим.

Агар яккаҳол меъёрлар ҳам тўғри келмаса, у ҳолда қабул қилинган лойиҳавий ечимларни энерго тежамлироқ лойиҳалар билан, масалан, ташқи тўсиқ конструкцияларни иссиқлик узатишга қаршилигини ошириши билан алмаштириш лозим.

1.9. Агарда бинонинг лойиҳасида энергиянинг меъёрий кўрсаткичлари таъминланмаса, қабул қилинган лойиҳавий ечимлар ҳамда энергия истеъмол қилиш катталикларининг техникавий-иктисодий мақсадга мувофиқлигининг асословини келтирмоқ зарурдир.

1.10. Бекор қилинди.

2. ИСИТИШ ВА ШАМОЛЛАТИШГА КЕТАДИГАН ИССИҚЛИКНИНГ МЕЪЁРИЙ СОЛИШТИРМА САРФИ

2.1*. Бинога ажраладиган иссиқликни ҳисобга олган ҳолда, ташқи ҳавонинг B параметрлари бўйича ҳисобий ҳароратида тураржой уйининг иситилиши ва табиий шамоллатилишига кетадиган меъёрий солиштирма иссиқлик сарфи q_{ov}^{TP} , Вт/м², қурилиш районининг иситиш мавсуми D_d , °С-сут, градус-сутка қийматида кўра 1 жадвал бўйича қабул қилиниши лозим.

Турар-жой уйлари ва қишлоқ турар-жой уйлари турлари	Умумий майдоннинг 1 кв.м учун иситиш мавсуми D_d , °C·сут, градус-сутка қийматида иситиш ва табиий шамоллатишга кетадиган меъёрий солиштирма иссиқлик сарфи, Вт/м ²		
	2000 гача	2000 дан кўп 3000 гача	3000 дан кўп
<u>4-қаватгача бўлган турар-жой уйлари:</u>	132	139	154
1 – қаватли;	104	110	123
2 – қаватли;	83	86	96
3 – қаватли;	77	81	91
4 – қаватли			
<u>5-қаватли турар-жой уйлари</u>	74	78	87
<u>9-қаватли турар-жой уйлари</u>	66	70	79
<u>Қишлоқ турар-жой уйлари</u>			
Якка хонадонли:			
бир қаватли;	129	136	150
икки қаватли	103	108	122
Блокланган:			
бир қаватли;	116	123	136
икки қаватли	90	96	108

2.2*. Бинога ажраладиган иссиқликни ва инфильтрацияланаётган ҳавонинг иситилишини ҳисобга олган ҳолда, ташқи ҳавонинг Б параметрлари бўйича ҳисобий ҳароратида жамоат биносининг иситилишига кетадиган меъёрий солиштирма иссиқлик сарфи q_o^{TP} , Вт/м², қурилиш районининг иситиш мавсуми D_d , °C·сут, градус-сутка қийматида кўра 2а ва 2б жадваллари бўйича қабул қилиниши лозим.

2а жадвалига киритилган бинога бўлган иссиқлик сарфининг меъёрий қиймати ҚМК 2.01.04-97* га кўра иссиқлик ҳимоясининг иккинчи даражасига тўғри келади, 2б жадвалга киритилган бинолар эса – иссиқлик ҳимоясининг биринчи даражасига мос келади.

2а*-жадвал

Бинолар тури	Умумий майдоннинг 1 кв.м учун иситиш мавсуми D_a , °C·сут, градус-сутка қийматида иситиш ва табиий шамоллатишга кетадиган меъёрий солиштирма иссиқлик сарфи, Ватт/м ²		
	2000 гача	2000 дан кўп 3000 гача	3000 дан кўп
1. Мактабгача муассасалар (ясли, боғчалар) 2-қаватли	66	72	75
2. Умумтаълим ва ихтисослашган мактаблар: 2- қаватли; 3- қаватли	68 55	74 59	77 63
3. Лицейлар, касб-хунар коллежлари: 1- қаватли; 2- қаватли; 3- қаватли; аралаш қаватли	94 70 56 73	100 75 61 77	107 79 64 81
4. Касалхоналарнинг бош корпуслари, туғруқ хоналар, барча турдаги стационарлар: 1- қаватли; 2- қаватли; 3- қаватли; 4- қаватли	98 86 72 62	102 88 75 66	105 94 77 69
5. Поликлиника, диспансер ва амбулаториялар: 1- қаватли; 2- қаватли; 3- қаватли	90 75 62	94 79 65	97 82 68

Бинолар тури	Умумий майдоннинг 1 кв.м учун иситиш мавсуми D_d , °C·сут, градус-сутка қийматида иситиш ва табиий шамоллатишга кетадиган меъёрий солиштирма иссиқлик сарфи, Ватт/м ²		
	2000 гача	2000 дан кўп 3000 гача	3000 дан кўп
1. Концерт заллари, театрлар	123	140	150
2. Машғулот ва ижод уйлари (клублар, ижодиёт марказлари, интернет-студиялари ва бошқалар): 1- қаватли; 2- қаватли	112 96	128 110	133 115
3. Лойиҳа ва конструкторлик ташкilotлари, адлия муассасалари, архивлар, банк муассасалари: 1- қаватли; 2- қаватли; 3- қаватли; 4- қаватли	100 85 74 66	114 97 84 75	120 102 89 79
4. Савдо корхоналари: 1- қаватли; 2- қаватли; 3- қаватли	89 77 67	102 88 77	107 93 81
5. Умумий овқатланиш корхоналари: 1- қаватли; 2- қаватли; 3- қаватли	113 89 75	130 103 86	135 107 90
6. Маиший хизмат кўсатиш корхоналари: 1- қаватли; 2- қаватли;	109 94	125 108	132 114
7. Спорт-соғломлаштириш корпуслари ва павильонлари, бир қаватли	117	135	140
8. Дам олиш ва туризм муассасаларининг ётоқ корпуслари: 1- қаватли; 2- қаватли; 3- қаватли	112 102 97	132 118 112	145 130 123
9. Санатории-профилакторийлар	104	120	132

Ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳароратида **B** параметри бўйича жамоат биносининг шамоллатишга бўлган меъёрий солиштирма иссиқлик сарфини q_v^{TP} , Вт/м², қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш лозим

$$q_v^{TP} = \frac{c \cdot L_{уд} \cdot (t_p - t_{ext})}{3,6}, \quad (1)$$

буерда: **c** – ҳавонинг иссиқлик сифими, 1,2 кДж/(м³·°C) га тенг;

L_{уд} – бино умумий майдонининг 1 м² га ташқи ҳавонинг меъёрий солиштирма сарфи, м³/(соат·м²);

t_p – бинодаги ички ҳавонинг ҳисобий ўртача ҳарорати, °C;

t_{ext} – ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °C.

L_{уд} катталигини қуйидагича қабул қилишга йўл қўйилади:

мактабгача муассасалар, томоша ва спорт объектлари учун – 6 м³/(соат·м²);

соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари учун – 5 м³/(соат·м²);

офислар, клублар, сервис хизмат корхоналари учун – 6 м³/(соат·м²).

Жамоат биносини иситиш ва шамоллатишга иссиқликнинг умумий меъёрий солиштирма сарфи q_{ov}^{TP} , Вт/м², қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим

$$q_{ov}^{TP} = q_o^{TP} + q_v^{TP}. \quad (1.1)$$

2.3*. Саноат корхоналарининг маъмурий-маиший ва ёрдамчи биноларини, ҳамда қишлоқ хўжалик бино ва иншоотларини, ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳароратида, иситиш ва шамоллатишга бўлган меъёрий солиштирма иссиқлик сарфини 3 бўлимда берилган услубда ҳисоблаш лозим.

2.4. Бекор қилинди.

2.5. Бекор қилинди.

3. ИССИҚЛИК ВА СОВУҚЛИК СОЛИШТИРМА САРФЛАРИНИНГ МЕЪЁРИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСЛУБИ

3.1. Энергия сарфи кўрсаткичларининг катталигани ҳисоби лойиҳаланаётган объектнинг асосий архитектуравий ва техникавий ечимларини ишлаб чиқиш, таққослаш ва танлаш босқичида ўтказилади.

Шу ўринда лойиҳанинг архитектура-қурилиш қисмида бино ёруғлик тушувчи тешикларининг меъёр белгиловчи юзаси ҳисобини мажбурий 1-иловага мувофиқ тарзда амалга оширмақ лозим.

3.2. Кўрсаткич қийматини ҳисоблаш мобайнида хоналарнинг ҳарорат-намлик, ёруғлик ҳамда ҳаво йўсинларига қўйиладиган санитария-гигиена талабларини ва ўнғай энергия тежовчи чора-тадбирларни қўллаш заруриятдан келиб чиқмоқ лозим.

3.3*. Лойихаланаётган бино учун дастлаб иситув ва шамоллатувга кетадиган меъёрий иссиқлик сарфи кўрсаткичини аниқламоқ лозим. Сўнгра кондицияловли бинолар учун кондицияловга кетадиган совуқлик сарфи меъёрий кўрсаткичини ҳам ҳисоблаб топилади.

3.4*. Бинони йилнинг совуқ даврида, ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳароратида, иситиш ва шамоллатишга кетадиган меъёрий иссиқлик сарфи кўрсаткичини куйидаги ифодага кўра ҳисобланади:

$$q_{ov}^{TP} = \frac{1,1 \cdot (Q_{sh}^{TP} + Q_{mh} - Q_{mc} + Q_{ah}^{TP})}{A_F}, \text{ Вт/м}^2, \quad (2)$$

кондицияловга кетадиган меъёрий совуқлик сарфининг кўрсаткичи эса куйидаги ифода бўйича ҳисобланади:

$$q_k^{TP} = \frac{1,1 \cdot (Q_{sc}^{TP} + Q_{mc} + Q_{ac}^{TP})}{A_F}, \text{ Вт/м}^2, \quad (3)$$

бу ерда: Q_{sh}^{TP} — 3.5-бандга мувофиқ ҳисобланадиган, бинонинг тўсиқ конструкциялари орқали меъёр белгиловчи иссиқлик йўқолишлар, Вт;

Q_{mh} - бинога олиб кирилаётган материаллар, жиҳозлар ва транспорт воситаларининг қизишига кетадиган иссиқликнинг ҳисобий сарфи, Вт;

Q_{mc} - материаллар, жиҳозлар, ва одамлардан бинога ҳисобий иссиқлик узатилиши, Вт;

Q_{ah}^{TP} - йилнинг совуқ даврида шамоллатув ҳавосини қизитишга кетадиган иссиқликнинг, 3.6-бандга мувофиқ ҳисобланадиган, меъёр белгиловчи сарфи, Вт;

Q_{sc}^{TP} - кондициялаш давомида тўсувчи конструкциялар орқали иссиқликнинг, 3.7-бандига мувофиқ ҳисобланадиган, меъёр белгиловчи сизиб кирувлари, Вт;

Q_{ac}^{TP} - йилнинг иссиқ даврида шамоллатув ҳавосини совитишга кетадиган совуқликнинг, 3.6-бандга мувофиқ ҳисобланадиган, меъёр белгиловчи сарфи, Вт;

A_F - бинонинг умумий майдони, м².

3.5*. Q_{sh}^{TP} катталикини куйидаги ифода бўйича аниқламоқ лозим:

$$Q_{sh}^{TP} = (t_p - t_{ext}) \cdot \left(1,1 \frac{A_w}{R_{oW}^{TP}} + 1,1 \frac{A_L^{TP}}{R_{oL}^{TP}} + 0,6 \frac{A_G}{R_{oG}^{TP}} + \frac{A_{GC}}{R_{GC}} + n \frac{A_R}{R_{oR}^{TP}} + k_d \cdot A_d \right), \text{ Вт}, \quad (4)$$

бу ерда: t_p - бинолар ички ҳавосининг ҳисобий ўртача ҳарорати, °С;

t_{ext} - иситишни лойихалаш учун ташқи ҳавонинг ҳисобий ҳарорати, °С;

A_w - бионинг ташқи деворлари майдони (деразалар, ташқи эшиклар ва дарвозалар майдонини истисно қилиб), m^2 ;

A_L^{TP} - бино ёруғлик учун мўлжалланган тешикларининг, мажбурий 1-иловага мувофиқ ҳисобланадиган, меъёр белгиловчи майдони, m^2 ;

A_G - иситилмайдиган ертўлалар ва тағхоналар устида жойлашган полларнинг жами майдони, m^2 ;

A_{GC} - тупроқ устида ётган поллар ҳамда ер сатҳидан пастда жойлашган ташқи деворларнинг жами майдони, m^2 ;

A_R - қопламаларнинг (ёки чордоқ ораёпмаларининг) жами майдони, m^2 ;

A_d - ташқи эшик ва дарвозаларнинг жами майдони, m^2 ;

n - том ёпма донадор материаллардан қилинганидаги қопламалар ва чордоқ ораёпмалари учун - 1,0, том ёпма ўрама материаллардан қилинганидаги ораёпмалар учун - 0,9 деб қабул қилинадиган коэффициент;

R_{oW}^{TP} , R_{oL}^{TP} , R_{oG}^{TP} , R_{oR}^{TP} - мос равишда ташқи деворлар, ёруғлик учун тешиклар, иситилмайдиган ертўлалар ҳамда тағхоналар узра ораёпмалар, том ёпмалар ҳамда чордоқ ораёпмалари иссиқлик узатишга келтирилган қаршиликларининг, КМК 2.01.04-97* бўйича қабул қилинадиган, меъерий қийматлари, $m^2 \cdot ^\circ C / Wt$;

R_{GC} - тупроқ узра полларнинг, шу жумлага, ер сатҳидан пастроқда жойлашган, ташқи деворлар сиртини киритиб, бионинг тупроқли поллари соҳасининг, қамров ўлчамларига боғлиқ тарзда б-жадвал бўйича қабул қилинадиган, иссиқлик узатишга қаршиликлари, $m^2 \cdot ^\circ C / Wt$;

k_d - эшик ва дарвозаларни иссиқлик узатишга келтирилган коэффициентлари, $k_d = 7 Wt / (m^2 \cdot ^\circ C)$.

б-жадвал

$\frac{a \cdot b}{a + b}$	3	4	5	6	8	10	12	15	20	25 ва ундан ортиқ
$R_{GC}, m^2 \cdot ^\circ C / Wt$	1,57	1,85	2,2	2,4	3,0	3,3	3,8	4,4	5,2	6,0

3.5.1*. Иссиқлик ажралишининг ҳисобий қиймати Q_{mc} , Вт турар-жой биноларида қуйидаги формула бўйича аниқланиши лозим

$$Q_{mc} = q_{mc.1} \cdot A_{mc.1}; \quad (4.1)$$

Жамоат биноларида

$$Q_{mc} = \frac{(q_{mc.2} \cdot A_{mc.2} + q_l \cdot N_l) \cdot n_w}{168}, \quad (4.2)$$

буерда $q_{mc.1}$ – турар-жой бинолари хона ва ошхоналарининг 1 м^2 пол юзасидан ажралувчи маиший иссиқлик, 10 Вт/м^2 деб қабул қилинади;

$q_{mc.2}$ – жамоат биноларидаги оргтехникали хоналарнинг 1 м^2 пол юзасидан ажралувчи оргтехника иссиқлиги, 10 Вт/м^2 деб қабул қилинади;

$A_{mc.1}$ – турар-жой биноси хона ва ошхоналарининг умумий майдони, м^2 ;

$A_{mc.2}$ – жамоат биносидаги оргтехникали хоналарнинг умумий майдони, м^2 ;

q_l – бир одамдан ажраладиган иссиқлик миқдори, 90 Вт/одам деб қабул қилинади;

N_l – жамоат биносидаги одамларнинг ҳисобий сони;

n_w – жамоат биноси бир ҳафталик иш соатининг ҳисобий сони.

3.6*. Йилнинг совуқ даврида шамоллатиш ҳавосини қиздиришга кетадиган меъёр белгиловчи иссиқлик сарфини қуйидаги ифода бўйича аниқлаш зарур:

$$Q_{ah}^{gp} = \frac{c [L_{wz} \cdot (t_{wz} - t_{ext}) + L_l \cdot (t_l - t_{ext})]}{3,6}, \text{ Вт}, \quad (5)$$

йилнинг иссиқ даврида шамоллатиш ҳавосини кондициялов мобайнида совутишга кетадиган совуқликнинг меъёр белгиловчи сарфини эса қуйидаги ифодага кўра аниқланади:

$$Q_{ac}^{gp} = \frac{\rho [L_{wz} \cdot (I_{ext} - I_{wz}) + L_l \cdot (I_{ext} - I_l)]}{3,6}, \text{ Вт}, \quad (6)$$

бу ерда: c – ҳавонинг иссиқлик сифими, $1,2 \text{ кДж}/(\text{м}^3 \cdot ^\circ\text{С})$ га тенг қилиб олинади;

L_{wz} – маҳаллий сўргичлар, технологик жиҳозлар, сўрувчи шамоллатув тизими ва эксфильтрация воситасида бинонинг хизмат кўрсатилаётган ёки иш жойидадан ташқарига чиқариб ташланаётган ҳавонинг сарфи, $\text{м}^3/\text{соат}$;

L_l – сўрувчи тизимлар ва эксфильтрация воситасида хизмат кўрсатилаётган ёки иш жойлари чегарасидан ташқарига чиқариб ташланаётган ҳавонинг сарфи, $\text{м}^3/\text{соат}$;

t_{wz} , I_{wz} – хизмат кўрсатилаётган ёки иш жойлардаги ҳавонинг ҳисобий ҳарорати ва энтальпияси, $^\circ\text{С}$ ва кДж/кг т.х. ;

t_l , I_l – хизмат кўрсатилаётган ёки иш жой чегарасидан ташқарида бинодан чиқариб ташланаётган ҳавонинг ҳарорати ва энтальпияси, $^\circ\text{С}$ и кДж/кг т.х. ;

I_{ext} – шамоллатишни лойиҳалаш учун ташқи ҳавонинг ҳисобий энтальпияси, кДж/кг т.х. ;

ρ – ички ҳавонинг зичлиги, кг/м^3 .

Q_{ah}^{TP} ва Q_{ac}^{TP} катталикларнинг ҳисобини қуйидаги кетма-кетликда бажармоқ лозим.

Дастлаб йилнинг иссиқ ва совуқ давридаги ҳаво алмашуви, ҳаво бериш ҳамда чиқазиш тизимларининг сони, ҳавони бериш ва чиқариш усуллари бўйича ечимлар қабул қилиш лозим.

Сўнгра совуқ давр учун бинога кираётган ташқи ҳавонинг меъёр белгиловчи сарфи L_{ext}^{TP} ни аниқламоқ лозим.

Бинога шамоллатиш учун бошқарилган ҳолда ҳаво киритилаётганида, мажбурий ҳолда, L_{ext}^{TP} катталик мажбурий 2-иловага мувофиқ ҳисобланиши лозим.

L_{ext}^{TP} катталиги сифатида қуйидаги икки қийматдан каттароғини қабул қилиш лозим:

ташқи ҳавонинг, санитария меъёрлари ва ҚМҚ си томонидан талаб қилинадиган, энг кам ҳаво алмашинуви;

шамоллатишнинг сўриб чиқариб юбориш тизимлари меъёрланган сарфи.

L_{ext}^{TP} қийматни аниқлангандан сўнг, хизмат кўрсатилаётган ҳамда ишчи саҳндан L_{wz} ва унинг чегараси ташқарисидан L_l чиқариб ташланаётган, ҳавонинг сарфини қуйидаги ифода бўйича ажратиб олмоқ зарурдир:

уюштирилган оқиб кирувчи ва қабул қилинган L_{wz} қийматидаги:

$$L_l = L_{ext}^{TP} - L_{wz}; \quad (7)$$

фақатгина иш жойига оқиб кирувчи ташқи ҳаво киришида:

$$L_l = 0; \quad L_{wz} = L_{ext}^{TP}. \quad (8)$$

Яқунда (5) ифода бўйича Q_{ah}^{TP} ни ҳисоблаб топиш лозим.

Совуқликнинг сунъий манбаларидан туриб кондициялаш тизимлари учун Q_{ah}^{TP} катталикни юқоридагига ўхшаш тарзда, фақат таъсир этувчи барча катталикларни йилнинг иссиқ даври шартларига кўра қабул қилиб, ҳисобламоқ лозим. Кондициялов учун ташқи ҳавонинг энтальпиясини I_{in}^{TP} қуйидагига тенг қабул қилмоқ лозим:

ҳавони эжекциявий узатгичлар ва сопллар орқали узатишда 39
кДж/кг т.х.;

ҳавонинг тепа соҳасига ҳаво улашувда 43 кДж/кг т.х.;

ҳавони хизмат кўрсатилаётган ёки ишчи саҳнларга узатишда 47
кДж/кг т.х.

3.6.1*. Жамоат бинолари учун шамоллатувчи ҳавони Q_{ah}^{TP} , Вт, иситиш учун кетадиган иссиқликнинг меъёрланган сарфини қуйидаги формула бўйича аниқлаш лозим:

$$Q_{ah}^{TP} = \frac{c \cdot L_{ext} \cdot (t_p - t_{ext})}{3,6}, \quad (9)$$

буерда L_{ext} – шамоллатиш тизими ишлаётганида бинога кирувчи ташқи ҳавонинг сарфи, $m^3/соат$.

Ҳавони кондициялаш ёки совутиш тизимидан фойдаланиб хонага кирувчи ташқи ҳавони совутишга бўлган совуқликнинг меъёрланган сарфини Q_{ac}^{TP} , Вт, йилнинг иссиқ мавсуми учун таъсир этувчи қиймати қабул қилиб худди ўшандай ҳисоблаш лозим.

3.7*. Тўсувчи конструкциялар иссиқлик узатишга келтирилган қаршилиқларининг меъёрий қийматларида ҳисобланган, ҳисобий иссиқлик кириб келувларини кондициялов мобайнида бинонинг тўсувчи конструкциялари орқали иссиқликни меъёр белгиловчи кириб келувчи Q_{sc}^{TP} деб ҳисобламоқ лозим. Ҳисоб-китобларда ёруғлик тешиқларининг ўлчамларини мажбурий 1-иловага мувофиқ қабул қилмоқ, ҳамда бинонинг деразалари ва фонарларида, ҚМҚ 2.01.04-97*, ҚМҚ 2.08.02-09* ҳамда бўлак меъёрий ҳужжатлар томонидан кўзда тутилган, куёшдан муҳофазаловчи қурилмаларнинг мавжудлигини эътиборга олмоқ зарурдир.

3.8*. Аниқлов услубияти ушбу бобда белгиланган катталиклардан ташқари, (2)-(9) ифодаларга кирувчи барча қолган катталикларни лойиҳаловга бўлган архитектуравий-қурилиш ҳамда технологиявий топшириқларга мувофиқ қабул қилмоқ ёки умум қабул қилинган ҳисоблаш услубларида аниқламоқ лозим.

4. ЖИХОЗЛАР ЭНЕРГИЯВИЙ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МЕЪЁРИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

4.1*. Ўт ёқиладиган хоналар ва мухтор қозонхоналарга ўрнатилувчи иссиқлик унумдорлиги 100 кВт гача бўлган иситишга оид сув иситиш аппаратлари ҳамда қозонларининг энергетик самарадорлиги η , %, қуйидаги ифодага кўра ҳисобланувчи талабдаги меъёрий қийматидан $\eta^{TP}, \%$, кам бўлмаслиги лозим:

$$\eta^{TP} = a + 0,044 \cdot Q, \quad (11)$$

бу ерда: a - газ ёки енгил суюқ ёқилғини ёқишда 80,5%; тош кўмирни ёқишда 71,5%, қўнғир кўмирни ёқишда 68,5%;

Q - аппарат ёки қозоннинг номинал иссиқлик унумдорлиги, кВт.

Аппаратлар ва қозонларнинг унумдорлиги 100 кВт ортиқ бўлганида, η^{TP} **100 кВт** иссиқлик унумдорлиги учун каби қабул қилинади.

4.2*. Буғ компрессорли совутовчи машиналардан фойдаланиладиган мухтор бўлмаган кондиционер совуқлик таъминоти тизими ва мухтор кондиционерларнинг энергетик самарадорлиги ҳавони кондициялаш учун номинал температура режимида 2,6 дан кам бўлмаслиги керак.

4.3. Хисобий йўсинда ишлаётган шамоллатгичнинг фойдали иш коэффициенти мазкур ҳил ўлчамидаги максималидан 10% дан ортиқ фарқланмаслиги керак.

4.4. Шамоллатгичларга электр юритгичларни танлашни, 7-жадвал бўйича қабул қилинадиган, қувват захираси коэффициентини эътиборга олиб амалга оширмақ лозим.

7-жадвал

**Шамоллатгичларнинг электр юритгичлари учун
меъёрий қувват захираси коэффициенти**

Электр юритгич валидаги қувват, кВт	Шамоллатгич учун коэффициент	
	марказдан қочувчисининг	ўқ бўйлаб йўналганининг
0,5 гача	1,5	1,2
0,5 кўпроқ 1 гача	1,3	1,15
1 кўпроқ 2 гача	1,2	1,1
2 кўпроқ 5 гача	1,15	1,05
5 дан ортиқ	1,1	1,05

4.5. Энергия истеъмол қилувчи жиҳозларни ҳисоблаб топилган унумдорликка мос тарзда танламоқ лозим.

Кондициялов тизимларининг унумдорлик бўйича захираси кўпи билан 15%, шамоллатгичларнинг унумдорлиги бўйича - кўпи билан 15%, қолган ҳолларда эса - кўпи билан 10% дан иборат бўлиши керак.

4.6*. Совуқлик таъминоти тизимларининг жиҳозлари ҳамда қувурўтказгичлардаги совуқлик йўқотишлари совитгич ускунаси қувватининг кўпи билан 5% қувватидан иборат бўлиши керак.

4.7. Лойиҳаларда жиҳоз ва қурилмалар, иситиш, шамоллатиш ва кондициялашга кетадиган энергия сарфига таъсир кўрсатадиган ҳоссаларининг қуйидаги меъёрий кийматларини таъминламоқ зарурдир:

зарарликларни ушлаб қолиш коэффициенти сўрувчи жавонлар учун - камида 0,9, ғилофлар ва соябонлар учун - камида 0,75, ёнбош ва ёндевор сўргичлари учун - камида 0,6 дан иборат бўлиши керак;

кондицияловчи бинолар учун қуёшдан ҳимоялов қурилмаларининг иссиқлик ўтказув коэффициенти кўпи билан 0,4 бўлиши керак.

**БИНО ЁРУҒЛИК УЧУН ТЕШИКЛАРИНИНГ МЕЪЁР БЕЛГИЛОВЧИ
МАЙДОНИНИНГ ҲИСОБИ**

1. Бино ёруғлик учун тешикларининг майдони A_L^P энергия сарфи меъёрини ҳисоби учун қуйидаги ифодага кўра аниқламоқ лозим:

$$A_L^P = 1,1 \cdot A_F \frac{e \cdot K_3 \cdot \eta}{100 \cdot \tau_0} \cdot K_{зд}, M^2, \quad (1)$$

бу ерда: e – табиий ёритилганлик коэффициентининг ёруғликка оид об-ҳавони эътиборга олиб, ҚМК 2.01.05-98 нинг 3-жадвали бўйича қабул қилинадиган, қиймати;

A_F - бинонинг умумий майдони, M^2 ;

K_3 - ҚМК 2.01.05-96 нинг 3-жадвали бўйича қабул қилинадиган, захиравий коэффициент;

η - ёруғлик учун тешикнинг ёруғликни қайтаришини эътиборга олиб, 1-ва 2-жадваллардан қабул қилинадиган, ёруғлик ҳоссаси, %;

$K_{зд}$ – деразаларни қарама-қарши бинолар томонидан сояланишини эътиборга оладиган, коэффициент (зич шаҳар иморатлари ичра жойлашган бинолар учун 1,7 га, соя ташланишнинг ўртача шароитларида – 1,4 га, қарама-қарши бинолар ўзларининг баландлигига икки карра ортиқроқ масофада – 1,1 га, фонарли бинолар учун – 1,0 га тенг қабул қилинади);

τ_0 – қуйидаги ифода бўйича аниқланадиган, ёруғлик ўтказувчанлик умумий коэффициенти;

$$\tau_0 = \tau_1 \cdot \tau_2 \cdot \tau_3 \cdot \tau_4 \cdot \tau_5; \quad (2)$$

τ_1 - материалнинг ёруғлик ўтказувчанлик коэффициенти (деразанинг яккаш ойнаси - 0,9, қўшойна - 0,8, учталиқ ойна - 0,75, витрина ойнаси – 0,8, бўш танали ойнабанд блоклар - 0,5);

τ_2 – ёруғлик тешиги панжарасида ёруғлик йўқолишини эътиборга олувчи коэффициент (яккаш ёғоч панжаралар – 0,75);

τ_3 – юк кўтарувчи конструкцияларда ёруғлик йўқолишини эътиборга олувчи коэффициент (пўлат фермалар – 0,9; темирбетон фермалар ва аркалар – 0,89; ён тарафдан ёритишдаги – 1,0);

τ_4 – куёшдан муҳофазаловчи қурилманинг ёруғлик ўтказиш коэффициенти (йиғиштирилувчи ҚҚҚ -1,0; муҳофазаловчи бурчаги 15° бўлган уфқий шамсиялар ва вертикал қовурғалар – 0,95; 30° – 0,8; 45° – 0,65; уяли куёш қайтаргич – 0,6; жалюза-қанотлар – 0,35);

τ_5 – фонарлар остига ўрнатилувчи муҳофазаловчи тўрлардан тушадиган сояланишни эътиборга олувчи, 0,9 га тенг қилиб олинадиган, коэффициент.

Ён томондан ёритувдаги деразалар учун η қийматлари

Хона узунлигининг унинг чуқурлигига нисбати	Хона чуқурлигининг унинг баландлигига нисбати					
	0,5	1,0	1,5	2	3	4 ва ундан ортиқ
4 ва ундан ортиқ	7,0	5,9	4,4	3,8	3,4	3,2
3	7,4	6,4	4,8	4,2	3,8	3,4
2	8,0	7,0	5,5	4,7	4,3	3,8
1,5	8,6	7,6	6,2	5,4	4,9	4,6
1	9,5	9,1	7,6	6,8	6,2	5,9
0,5	13,0	12,6	12,0	11,6	11,3	11,0

2. Ёруғлик учун тешиқлар майдонининг ҳисобини, хоналарнинг ўртачаланган ўлчамларига асосланиб, бино учун бутунича амалга оширмақ лозим. Ҳар бир бўйлама фасад учун турли ўртачаланган хоналарни қабул қилмақ ва ҳар бир фасад учун ёруғлик тешиқларининг майдонини (1) ифодага кўра, бинонинг умумий майдони қийматини мос фасадлар бўйича хоналарнинг чуқурлигига мутаносиб тарзда тақсимлаб, аниқламақ руҳсат этилади.

Юқоридан ёритувдаги фонарларнинг η қийматлари

Фонарлар ҳили	Оралиқлар миқдори	Хона узунлигининг оралиқ кенглигига нисбати								
		1 дан 2 гача			2 дан 4 гача			4 дан ортиқ		
		Хона баландлигининг оралиқ кенглигига нисбати								
		0,2–0,4	0,4–0,7	0,7–1,0	0,2–0,4	0,4–0,7	0,7–1,0	0,2–0,4	0,4–0,7	0,7–1,0
Вертикал икки тарафлама ойнабанд бўлган (тўғри бурчакли, М-симон)	Битта	3,9	6,0	9,7	3,1	4,4	6,4	2,9	4,1	5,5
	Икки	3,8	5,2	8,5	2,9	3,5	5,2	2,7	3,3	4,3
	Уч ва ундан ортиқ	3,6	5,1	8,6	2,9	3,4	5,2	2,6	3,2	4,2
Вертикал бир томонлама ойнабанд бўлган (шедлар)	Битта	3,7	5,8	7,9	2,9	4,2	5,2	2,8	3,9	4,4
	Икки	3,8	4,8	6,2	2,9	3,3	3,7	2,7	3,0	3,1
	Уч ва ундан ортиқ	3,3	4,2	5,3	2,6	2,8	3,2	2,3	2,5	2,7

ТАШҚИ ВА БЕРИЛАЁТГАН ҲАВОНИНГ МЕЪЁР БЕЛГИЛОВЧИ САРФИНИНГ ҲИСОБИ

1. Энергия сарфининг меъёрини ҳисоблаш учун берилаётган L_{in}^{TP} , м³/соат, ҳамда ташқи L_{ext}^{TP} , м³/соат, ҳавонинг сарфларини ҚМК 2.04.05-97 га мувофиқ аниқламоқ лозимдир. Сарфларни зарарликларнинг эриши шартларидан келиб чиқиб ҳисоблашда ҳизмат кўрсатилаётган ёки ишчи сахнлар чегарасидан ташқаридаги ҳарорат t_l , °С, намгарчилик d_l , г/кг т.х., энтальпия I_l , кДж/кг т.х., ҳамда ҳаводаги зарарли моддаларнинг концентрациясини g_l , г/кг, қуйидаги ифодаларга кўра ҳисобламоқ лозим:

$$t_l = K_v^{TP} \cdot t_{wz} + t_{in}(1 - K_v^{TP});$$

$$d_l = K_v^{TP} \cdot d_w + d_{in}(1 - K_v^{TP});$$

$$I_l = K_v^{TP} \cdot I_{wz} + I_{in}(1 - K_v^{TP});$$

$$g_l = K_v^{TP} \cdot g_{wz} + g_{in}(1 - K_v^{TP});$$

бу ерда: t_{in} , d_{in} , I_{in} , g_{in} – берилаётган ҳаво ҳарорати, намгарчилиги, энтальпияси ва ундаги зарарли моддаларнинг концентрацияси;

K_v^{TP} – ҳаво алмашилиш самарадорлиги коэффицентининг 1- ва 2-жадвалларга кўра қабул қилинган, меъёр белгиловчи қиймати.

1-жадвал

Хоналарни иссиқлик ва газ ажратишнинг тарқоқ манбаларидан туриб шамоллатишда ҳаво олмашиниш самарадорлиги коэффицентларининг меъёр белгиловчи қийматлари

Ҳаво алмаштириш схемаси	K_v^{TP} , камида
1. Берилаётган ҳавони бевосита ишчи сахнга узатиш, юқори сахндан туриб сўриб олиш	1,3
2. Берилаётган ҳавони, ишчи сахнга 4 м гача бўлган баландликдан кириб келаётган, оқимлар билан узатиш; юқори сахндан туриб сўриб олиш	1,15
3. Худди ўшандай, бироқ 4 м дан ортиқ баландликдан	1,05
4. Хона поли юзасининг 40% дан ортигини текнологик жиҳозлар билан тўлдиришдаги ҳавони мужассамланган узатилуви	0,9
5. Худди ўшандай, бироқ жиҳозлар билан тўлдириш хона кўндаланг кесимини 25% дан ортиқ тўсганида	0,8
6. Ҳаво алмашинувчи шамоллатув воситасида ишчи сахндан чиқариб ташлашда	1,0
7. Ҳавони баландлиги 4 м гача бўлган хоналар юқори сахнга узатиш ва чиқариб ташлашдаги (жамоат белгинишига эга хоналар, кўп қаватли ишлаб чиқариш бинолари ва ҳ.к.)	1,0

Иссиқлик ажратишнинг ўта кучли манбаларга эга хоналарни шамоллатишдаги ҳавоалмашиниш самарадорлиги коэффициентининг меъёр белгилайдиган қийматлари (ҳавони бевосита ишчи саҳнга узатиш, чиқариб ташлаш – юқори саҳндан туриб)

Хоналарнинг ҳиллари	K_v^{TP} , камида
Цехлар: темирчилик-пресслов	2,0
термикавий	1,8
қуюв	1,7
прокатлов	1,5
пластмассалардан буюмлар ишлаб чиқариш	1,3
Машина заллари, компрессорхоналар, электролиз цехлари	1,4

2. L_{ext}^{TP} ҳамда L_{in}^{TP} катталикларни аниқлашда хонага сизиб чиқаётган зарарли ёки портловчи моддалар, намгарчилик ва ҳаво ортикчаларини йи лнинг ҳисобланаётган даври учун қабул қилмоқ лозим. Маҳаллий сўргичлар мавжудлигида, илиб олиш коэффициентларининг қийматларини 4.7-бандга мувофиқ қабул килиб, зарарликларни илиниб олинишини эътиборга олмоқ лозим.

МУНДАРИЖА

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3
2. ИСИТИШ ВА ШАМОЛЛАТИШГА КЕТАДИГАН ИССИҚЛИКНИНГ МЕЪЁРИЙ СОЛИШТИРМА САРФИ.....	5
3. ИССИҚЛИК ВА СОВУҚЛИК СОЛИШТИРМА САРФЛАРИНИНГ МЕЪЁРИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСЛУБИ.....	9 14
4. ЖИҲОЗЛАР ЭНЕРГИЯВИЙ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МЕЪЁРИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	16
1-илова. Мажбурий. БИНО ЁРУҒЛИК УЧУН ТЕШИКЛАРИНИНГ МЕЪЁР БЕЛГИЛОВЧИ МАЙДОНИНИНГ ҲИСОБИ.....	18
2-илова. Мажбурий. ТАШҚИ ВА БЕРИЛАЁТГАН ҲАВОНИНГ МЕЪЁР БЕЛГИЛОВЧИ САРФИНИНГ ҲИСОБИ.....	

СТРОИТЕЛЬНЫЕ НОРМЫ И ПРАВИЛА

**НОРМАТИВЫ РАСХОДА ЭНЕРГИИ
НА ОТОПЛЕНИЕ, ВЕНТИЛЯЦИЮ И
КОНДИЦИОНИРОВАНИЕ ЗДАНИЙ
И СООРУЖЕНИЙ**

КМК 2.01.18-2000*

ИЗДАНИЕ ОФИЦИАЛЬНОЕ

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН
ПО АРХИТЕКТУРЕ И СТРОИТЕЛЬСТВУ

Ташкент 2011

УДК 697:620.9 (083.75)

КМК 2.01.18-2000*. Нормативы расхода энергии на отопление, вентиляцию и кондиционирование зданий и сооружений / Госархитектстрой РУз. – Ташкент, ИВЦ АҚАТМ, 2011 г. – 40 с.

КМК 2.01.18-2000* является переизданием КМК 2.01.18-2000 с учётом утвержденного изменения.

КМК 2.01.18-2000. Нормативы расхода энергии на отопление, вентиляцию и кондиционирование зданий и сооружений. /Госархитектстрой РУз. – Ташкент, 2000.

РАЗРАБОТАНЫ: АО УзЛИТТИ (к.т.н. Е.А. Насонов - руководитель темы, к.т.н. А.М. Камиллов, инженер А.В. Бубнов), АО Узогирсаноатлойиха (инженеры Ю.Т. Сироткин, Л.П. Ложечкин, В.Н. Богатова), АО Узкишлоклойиха (архитектор

М.У. Умаров, инженеры Ю.А. Гордеев, Г.К. Пашина).

ВНЕСЕНЫ: АО УзЛИТТИ

РЕДАКТОР: Ф.Ф. Бакирханов (Госархитектстрой РУз)..

ПОДГОТОВЛЕНЫ К УТВЕРЖДЕНИЮ Отделом инжиниринга и менеджмента проектом Госархитектстроля РУз (Н.И. Петров).

СОГЛАСОВАНЫ: Минэнерго РУз, Минкомобслуживания РУз.

